O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◆ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2004 йил 4 февраль, чоршанба • №10 (11.605) • Эркин нархда сотилади

## МИНТАҚАВИЙ ХАВФСИЗЛИК МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

***Пойтахтимиздаги «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида Марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик масалаларига бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтмоқда.***

Анжуман Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти ҳамда Жорж Маршалл номидаги хавфсизлик масалаларини ўрганувчи Европа маркази билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Анжуманда Марказий Осиё давлатлари, АҚШ, Хитой, Россия, Туркия, Франция, Афғонистон, Мўғилистон каби мамлакатлар ҳамда БМТ, ЕХҲТ, Европа Иттифоқи, НАТО, Жаҳон Банки ва ЕТТБ сингари кўплаб халқаро ташкилотлардан вакиллар иштирок этмоқда.

Ўзбекистон минтақамизда хавфсизликни таъминлаш масаласига ҳамиша алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Бу борада Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Афғонистонда вазиятни яхшилаш, Марказий Осиёни ядро қуролидан ҳоли ҳудудга айлантириш, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдосига қарши курашга қаратилган ташаббусларини таъкидлаш жоиз.

Анжуманда мутахассислар минтақамизнинг барқарор сиёсий ва иқтисодий ривожланишини ҳамда хавфсизлигини таъминлашга оид масалалар юзасидан фикр алмашади. Марказий Осиёда қўшма иқтисодий лойиҳалар, жумладан, сув-энергетика заҳираларидан тежамкорлик билан фойдаланиш ва транспорт-коммуникация йўлакларини барпо этишга боғлиқ масалалар бўйича маърузалар тингланади.

**ЎзА.**

## ЕТТБ ВАКИЛЛАРИНИНГ ТАШРИФИ

***Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) Бош котиби Жонни Акерхольм раҳбарлигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Содиқ Сафоев билан учрашди.***

Ўзбекистон 1992 йил 30 апрелда ЕТТБ аъзолигига қабул қилинган. 1993 йилдан пойтахтимизда мазкур ташкилот ваколатхонаси фаолият кўрсата бошлади. Ҳозир мамлакатимиз ЕТТБнинг умумий қиймати 42 миллион ЭКЮга тенг 4200 акциясига эга.

Бугун Ўзбекистон - ЕТТБнинг энг фаол ҳамкорларидан бири. Хусусан, ҳозир мамлакатимизда ЕТТБ иштирокида умумий қиймати 1,4 миллиард долларлик 22 лойиҳа амалга оширилаётир, яна 8 лойиҳа кўриб чиқилмоқда.

Музокарада томонлар Ўзбекистон ва ЕТТБ ўртасида икки томонлама муносабатларни ривожлантириш истиқболларини муҳокама этар экан, мамлакатимизнинг ушбу халқаро молия ташкилоти билан ҳамкорлигига юқори баҳо берди. Бундай самарали ҳамкорлик Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди.

**ЎзА.**



## ЧИРЧИҚНИНГ ЯНА БИР ФАБРИКАСИ

***Мустақил мамлакатимиз енгил саноат тармоғини ривожлантиришнинг 2005 йилгача мўлжалланган дастурини амалга ошириш ишлари жадал олиб борилаяпти. Унда пахта хом ашёсини қайта ишлаш ҳажмини ҳар йили 476,4 минг тоннага етказиш назарда тутилади.***

Шунга мувофиқ республикамизнинг бошқа ҳудудлари қатори вилоятимизда ҳам бу тармоқнинг янги корхоналари барпо этилмоқда. Хусусан, Чирчиқда «Бурсел-Тошкент-Тўқимачи» қўшма корхонаси қад кўтараяпти. Туркиялик сармоядорлар билан биргаликда бунёд этилаётган фабрикани ташкил этиш учун деярли 40 минг АҚШ доллари сарфланди. Хорижий мамлакатлардан замонавий асбоб-ускуналар сотиб олиниб, уларни ўрнатиш ишлари якунланаяпти.

Янги фабрикада юқори сифатли, жаҳон андозаларига мос, хорижда ҳам рақобатбардош бўладиган трикотаж буюмлари, чунончи, ички кийимлар тайёрланади. Бу эса, маҳсулотнинг саксон фоизини хорижга экспорт қилиш имконини беради.

Корхонага у билан яхлит технологик занжирни ташкил этувчи «Чиноз Тўқимачи ЛТД» ва «Оқсарой тўқимачи ЛТД» қўшма корхоналари хом ашё етказиб беради. Айни кунларда туркиялик мутахассислар бўлажак фабрикада меҳнат қиладиган ёшлардан мутахассислар тайёрлашмоқда.



***СУРАТЛАРДА:*** *Гулбаршин Мусаева; янги фабрикада касб ўрганиш жараёни.*

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

ВИЛОЯТ ҳаёти

## ЯНГИ ЙЎНАЛИШ

***Зангиота туманининг Эшонгузар ҳамда Қуёшли қўрғонлари аҳолиси учун транспорт хизмати борасида яна бир қулайлик яратилди.***

«Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмаси таркибидаги 7-автобус саройи томонидан «Қуёшли — Сирғали-7» йўналиши бўйича автобус қатнови йўлга қўйилди.

Ушбу 74-йўналишда аҳолига янги «Мерседес-Бенц» автобуслари хизмат кўрсатмоқда.

**Равшан РУСТАМОВ.**

## УНИВЕРСИТЕТ ТУҲФАСИ

***Тошкент Давлат аграр университети республика ортопедия марказида Меҳр ва мурувват йилига бағишлаб хайрия тадбири ўтказди.***

Марказда даволанаётган ногиронларга 1,5 миллион сўмлик кўрпалар, университет рамзий нишони туширилган спорт кийимлари ва бошқа турфа совғалар тақдим этилди.

Таниқли санъаткорлар ва университет бадиий жамоалари томонидан тайёрланган концерт дастури ҳам барчага манзур бўлди. Беморларга дастурхон ёзилиб, миллий таомимиз — палов тортилди.

**Ғайрат РАҲМАТИЛЛАЕВ.**

## ОНА-ЮРТИМ НАВОЛАРИ

***Дўрмонда «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасининг вилоят бўлими томонидан «Азиз она-юртим наволари» танловининг вилоят босқичи ўтказилди.***

Унда халқимиз севиб тинглайдиган терма ва лапарларнинг моҳир ижрочиси бўлган ангренлик Кимёхон Қосимхонова биринчи ўринни эгаллаб, республика босқичида қатнашиш имконини қўлга киритди. Шунингдек, бу танловда унинг ҳамшаҳарлари — Наргиза Қаршиева ва Дарина Курсеитова ҳам ўз йўналишлари бўйича ғолибликка сазовор бўлишди.

**Бахтжон ҚИДИРБОЕВА.**

## ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАР СОҲИБЛАРИ

***Чирчиқдаги «Электркимёсаноат» очиқ акциядорлик жамиятининг 6500 нафардан зиёд ишчиси Ўзбекистон акциядорлик-тижорат «Саноатқурилишбанк»ининг пластик карточкаларига эга бўлишди.***

Ҳозир шаҳардаги 18 та савдо шаҳобчасига ўрнатилган «Терминал» касса аппаратлари орқали бу карточкаларга озиқ-овқат, барча турдаги эҳтиёж молларини харид этиш мумкин. «Терминал» орқали коммунал хизмат тўловларини ҳам амалга оширса бўлади. Ушбу пластик карточкалардан пойтахтимиздаги аэропорт, темир йўл шоҳбекатлари ва супермаркетларда ҳам фойдаланиш имкони мавжуд.

**Воҳид БОЙМУРОДОВ.**

## КОЛЛЕЖДА УЧРАШУВ

***«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Юқоричирчиқ тумани кенгаши вояга етмаган ёшлар билан ишлаш комиссияси, хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Қизил Ярим Ой жамияти билан ҳамкорликда «Соғлом оила — соғлом келажак» мавзуида давра суҳбати ўтказди.***

Қурилиш-иқтисод касб-ҳунар коллежида ўтган ушбу тадбирда оилада тиббий маданиятни ошириш ва ўсиб келаётган ёш авлод соғлиғини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Сўзга чиққанлар вояга етмаган ёшлар орасида жиноятчилик, гиёҳвандлик, ногиронлик ҳамда турли юқумли касалликларнинг олдини олиш борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

**Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ.**

ВИЛОЯТ ҳаёти

## ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ, СУД ВА МАТБУОТ

***Тошкентда суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотларнинг инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлашдаги роли ва унинг ёритилишида оммавий ахборот воситаларининг ўрнига бағишланган икки кунлик халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.***

Анжуманни Ўзбекистон Республикаси Олий суди Америка юристлар уюшмаси CEELI дастури, Конрад Аденауэр номидаги жамғарма ва Германиянинг техникавий ҳамкорлик жамияти билан ҳамкорликда ташкил этди.

Ҳуқуқий-демократик давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда суд-ҳуқуқ ислоҳотларини муваффақиятли амалга ошириш, суд ҳокимиятининг фуқаролар учун тўлиқ ошкоралигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Анжуманда юртимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари самараси ўлароқ, фуқароларнинг судларга мурожаатлари кўпайибгина қолмай, ишончи ҳам тобора ортаётгани таъкидланди. Судларда адолат тамойилини янада кучайтириш учун ошкоралик, хусусан, суд ва оммавий ахборот воситаларининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш борасида талай ишлар амалга оширилди. Бунда ҳуқуқий мавзуда қалам тебратаётган журналистлар малакасини оширишга жиддий эътибор қаратилаётгани ўз самарасини бермоқда.

Конференцияда Марказий Осиё ва Кавказ давлатлари олий судлари судьялари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари ўзаро фикр ва тажриба алмашди.

**Н. АБДУРАИМОВА, ЎзА мухбири.**

### Сессиядан кейинги ўйлар

***Бир неча кунки, мулоҳазалар, хаёллар гирдобидаман. Бу ҳолат Президентимиз Ислом Каримовнинг Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари XX сессиясидаги фикрлари таъсирида бошланган эди. Юртбошимиз вилоятнинг кейинги йиллардаги ижтимоий-иқтисодий аҳволини чуқур таҳлил қилиб бердилар, очиғини айтганда, ҳаммамизни ўйлантириб, ташвишга солиб келаётган муаммоларни ўртага ташладилар ва уларни бартараф этиш йўлларини кўрсатдилар.***

## МУВАФФАҚИЯТ ЎЗ-ЎЗИДАН КЕЛМАЙДИ

Давлатимиз раҳбари нутқида иқтидорли мутахассислар, ташкилотчилик қобилияти юқори раҳбарлар ишлаган, саноат ва қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларида юқори самарадорликка эришиб, намуна бўлиб келган вилоятимиз ҳозирги аҳволга тушиб қолганлигидан чуқур ташвиш, айни пайтда ерлари унумдор, суғориш тармоқлари яхши йўлга қўйилган, ҳамма имкониятлар етарли воҳанинг ўзини тиклаб олишига юксак ишонч сезилиб турди.

Мен Юртбошимизнинг сўзларини тинглар эканман, эл-юртни қувонтирадиган, маъмур турмуш, ободончилик учун асос бўладиган ютуқлар ўз-ўзидан келмаслиги ҳақида ўйладим. Дарҳақиқат, ҳеч бир муваффақият, унинг ортидан келадиган обрў-эътибор осмондан тушмайди. Бунинг учун ор номус кучли бўлиши, ғурур-ифтихор, ўзини намоён этиш масъулияти бўлмоғи даркор. Бунинг учун меҳнат қилиш керак, изланиш лозим.

Сессияда айтилаётган мулоҳазаларни ширкат хўжалигимиздаги ишларга муқояса қилиб бордим. Тўғри, хўжалигимизда ишларнинг бориши ёмон эмас. Деҳқончиликдан йил сайин кўпроқ даромад олаяпмиз. Ўтган 2003 йилда 4 минг тонна сабзавот, 500 тонна картошка, 800 тонна буғдой етиштирдик. Хўжалигимизнинг рентабеллик даражаси 72 фоизни ташкил этди. Мўмай даромад кишида орзу-ҳавас уйғотади, албатта. Ана шу маблағлар ҳисобига фарзандларимиз учун 600 ўринли мактаб, спорт зали қуриб бердик. 2004 йилда ёпиқ спорт сув ҳавзаси қуриб битказишни мўлжаллаб турибмиз.

Аммо сессияда Президентимиз кўрсатиб берган камчиликлар, бугунги кун талабидан келиб чиқадиган вазифалар нуқтаи назаридан ёндошсак, ҳали қишлоғимизда қиладиган ишларимиз кўп. Уй-жой қурилишини оласизми, гузарларни обод қилишни оласизми, деҳқончилик маданиятини оласизми, олдимизда бу сингари катта-катта масалалар турипти. Улар хусусида сессиядан келибоқ қишлоғимиз фаоллари, мутахассисларимиз билан фикрлашиб, маслаҳатлашиб олдик. Ширкат хўжалигимиз бошқарувининг кенгайтирилган йиғилишида қатнашчиларга халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессияси қандай руҳда ўтганлиги, Президентимиз нутқида қўйилган вазифалар, йўналишлар ҳақида гапириб бердим. Сессияда билдирилган мулоҳазалар, айтилган тавсиялар, қўйилган вазифалардан келиб чиқиб, хўжалигимиз, қишлоғимиз муаммолари, уларни бартараф этиш омилларига алоҳида тўхталиб ўтдим.

Биринчи навбатда ободончиликка, мактаб, боғчалардаги аҳволни чуқур ўрганиб чиқиб, уларни яхшилаш юзасидан амалий чоралар кўриш лозимлигига эътиборни қаратдим. Ахир боғча тарбияланувчиси, мактаб ўқувчиси ким? Ҳаммаси ўз фарзандларимиз. Уларни тўғри тарбияласак, жисмоний бақувват, маънавий баркамол инсонлар қилиб вояга етказсак, бошлаётган ишларимизни эртага шулар қўлимиздан олиб, дадил давом эттириб кетишади. Демак, ёшлар тарбияси билан жиддий шуғулланишимиз, қалбига юртимизда бошланган ишларнинг мазмун-моҳиятини сингдиришимиз, уларда она юртимизга, шу азиз Ватанимизга муҳаббат ва садоқат, мустақил ҳаётимиз, тинчлик ва осойишталигимизни муқаддас билиб, дахлсиз сақлашга тайёрлик руҳини сингдиришимиз керак.

Булар шунчаки гаплар эмас. Ёшлар — келажагимиз эгаси, ғурур-ифтихоримиз, суянчимиз ва таянчимиз, деган тушунчалар қуруқ гап бўлиб қолмаслиги керак. Сессияда Президентимиз «маънавий соғлом болалар қишлоқда» тарбияланиб, камол топаётганлигини таъкидлаб, «келажакда мамлакатимиз тақдирини белгилайдиган болаларимизнинг замон талаблари даражасида билим олишлари учун» етарли шароит яратиб беришимиз лозимлигини бежиз алоҳида таъкидлаб ўтмадилар.

Албатта, таълим-тарбияда ўқитувчи, устознинг ўрни катта. Оиладаги тарбия ҳам яхшиланиб боришига улар катта таъсир кўрсатишади. Шуни ҳисобга олиб биз юқори малакали ўқитувчилар қишлоғимиз мактабларида муқим ишлашлари, улар малакаларини муттасил ошириб боришлари хусусида алоҳида режаларни амалга оширмоқдамиз. Жумладан, мактабларимизда ишлаётган ўқитувчилар ҳам ширкат хўжалигида муайян миқдордаги пай эгасига айландилар, ҳар йили ширкат хўжалиги аъзолари билан бир қаторда улар ҳам ўз пайларига мутаносиб дивиденд оладилар. Бундан ташқари, ўқитувчиларга уй-жой қуриб олишлари учун ер участкалари ажратяпмиз. Хўжалигимизда жорий этилган бу тартиб зиёли кадрлар қишлоқда муқим жойлашиб қолишларига, мактабларимиз малакали, тажрибали педагоглар билан тўлиқ таъминланиб, таълим даражаси кўтарилишига омил бўлаяпти.

Хўжалигимиз бошқарувининг кенгайтирилган йиғилишида иқтисодий кўрсаткичларни янада яхшилаб бориш масалалари теварагида ҳам атрофлича фикрлашиб олдик. Қишлоғимиз Тошкент шаҳрининг шундай биқинида жойлашганлиги назарга олинса, бу масалалар ниҳоятда долзарблиги ойдинлашади. Биз шаҳар аҳолисини сара мева-сабзавот билан таъминлаб боришимиз лозим. Шунинг учун ҳам ҳар қарич ердан оқилона фойдаланиш, деҳқончилик маданиятини ошириш, пировардида халқимиз турмуш фаровонлигини кўтариш учун янада кўпроқ изланишимиз, ҳаракат қилишимиз зарур. Мен шу ўринда Президентимизнинг сессиядаги қуйидаги сўзларини келтириб ўтмоқчиман:

«Ҳаёт қонунияти, тириклик талаби шундайки, бир кун билан яшайдиган, ўз олдига катта мақсад ва режаларни қўймайдиган одам узоққа боролмайди».

Бу айни ҳақиқат. Хўжалигимизнинг истиқболи, жамоанинг келгусидаги муваффақиятининг калити ҳам айнан шу. Эртанги кунда бугунгидан яхшироқ ишлаш, салмоқлироқ натижаларга эришмоқ керак. Ана шундагина олдимизда турган вазифаларни бажарган бўламиз.

**Обидхўжа СУЛТОНОВ, Қибрай туманидаги Туроб Нормуҳамедов номли ширкат хўжалиги раиси, вилоят Кенгашининг депутати.**

2004 йил — Меҳр ва мурувват йили

*Мустақиллик маънавияти ҳақида гап кетса, унга мисол бўладиган воқеаларни кўплаб келтирамиз-у, лекин уларнинг қайси бири миллий қадриятларимиздан келиб чиқади-ю, қайси бири энди шаклланиб бораётганлигини дафъатан ажрата олмаймиз.*

# ИЛДИЗ ОТАЁТГАН ФАЗИЛАТ

Хусусан, саховат йўлида бизнинг халқимизга тенг келадигани кам экан. Хизмат юзасидан гоҳо кўплаб давлатларнинг расмий газетасидан тортиб, оддий газеталаригача ўқиймиз ва ўша давлат ҳақидаги фикрларимиз шу матбуот орқали шаклланади. Унда бирон болалар уйигами ёки касалхонагами ёрдам кўрсатилса, кўприк давлат томонидан ажратилган маблағ ҳақида гап кетади, холос.

Умуман саховат деган сўз одамнинг тилида қўнғироқдай жаранглайди, десам муболаға бўлмас. Ундан ташқари, юрагингизда ифтихор туйғуларини жўштириб юборади. Бошқани билмадим-у, менга шундай туюлади. Ҳар куни бирон бир саховатни эшитсам, ўзимча «айланайин халқим-а» деб хурсанд бўлиб кетаман. Мана бугун ҳам шундай бўлди.

«Тошкент денгизи»га туташ жойда «Наврўз» маҳалласи бор. Энг қизиғи шундаки, шундай сўлим жойда атиги 10 та хонадон яшайди. Одамлар ҳам 100 нафарга ё етади, ё етмайди. Майли, гап бунда эмас. Шу мўъжаз қишлоқда 77 ёшли Собиржон ота Ҳошимов яшайди. Узоқ йиллар ҳалол меҳнат қилиб, нафақага чиқди. Елиб-югуриб, одамларни бирлаштириб ободонлаштириш ишларини қилди, яхши ишларга бош қўшди.

Бир куни олдига уч ўғли кириб келди ва ҳол-аҳвол сўрашгач, улар оталарига юзланиб: «Ота, топган-тутганимизни олиб келдик, бизнинг давримизда бир Ҳаж сафарига бориб келинг», дея унинг олдига бир миллион сўм пул қўйишди.

Улар кетгач, Собиржон ота узоқ ўйлади. Хўш, шу кичик қишлоғида нима муаммо бор, хўп, ана сувни бир амаллаб олиб келишди, электрнинг борига шукр. Фақат табиий газ дегани армон бўлиб қолди-да. Сал совуқ тушди дегунча болалар денгиз бўйларидан ўтин излаб, ўтин териш билан овора. Ҳажнинг савобидан аввал, элга бир саховат қилай, деб пулни олиб тўғри газлаштириш идорасига борди. Ҳамқишлоқларининг номидан илтимос қилиб, нақд пулни топширди, қолганига ўзларинг қарашиб юборинглар, деб уйига қайтиб келди.

Бир миллионлик саховат ҳаммани тўлқинлантириб юборди. Бирпасда уч километрлик масофага қувурлар тортилиб, хонадонларга газ олиб келинди. Бир саховатли инсоннинг мардлиги билан ёки бўлмаса кўнгли билан ўн хонадоннинг уйига саранжом-саришталик, тозалик ва маданият кириб келди. Энди аёлларимиз, қизларимиз, келинларимиз меҳнати енгил бўлди, деб ёшу қари хурсанд.

Собиржон отанинг ҳимматига таҳсин айтиб, у билан суҳбатлашиб ўтирганимда даврамиздаги қария ўтмишдан сўзлаб қолди.

— Ўтган асрнинг 50-йилларида колхозимизда Каримжонов деган одам раис эди. Жуда қўли очиқ, камбағалпарвар ва талабчан раҳбар эди. Шу одам уч-тўрт нафар колхозчилар қўли калталик қилиб, ўғилларини суннат қилолмаётганлигини эшитибди-ю, уйига одам юбориб, битта қўй, гуруч, ёғ ва нон, туршак олиб келиб, битта шийпонда тўй берибди. Болаларнинг қўлини ҳалоллаб олган ўша колхозчиларнинг ҳар бири «раис тўйимни ўтказиб берди», деб давраларда тўлиб-тошиб гапириб юрди.

Лекин бечора раисга жабр бўлди. Текшир-текшир бошланиб, бўйнига йўқ айбларни қўйиб, беш йилга қамаб юборишди. Шу-шу қишлоғимиздан саховат деган нарса кўтарилиб кетди. Одамлар бир-бирига ўлчаб бериб, ўлчаб оладиган бўлди. Меҳр-оқибат ҳақида-ку, гапирмасам ҳам бўлади...

Қария айтадиган гапларим шу эди, дегандек ҳаммамизга бир-бир қараб қўйди. Буни ўзича тушунган Собиржон ота:

— Шўролар даври бўлганда, сен чол бунча пулни қаердан олдинг, деб қамаб юборишарди. Мустақиллик бўлгани учун қўрқмадим-да, — деб кўзларига ёш олди.

Мустақиллик инсон имкониятларини кенгайтириб юборгандек, кимдир мактаб қуриб бераяпти, кимдир болалар уйига ёрдам кўрсатаяпти, яна кимдир бева-бечорага қўл узатаяпти, хуллас, бундай ишлар савобга йўғрилиб, Саховат дунёсини бойитмоқда.

Мустақиллик маънавиятидаги бу кўриниш халқимизнинг феълидаги ажойиб фазилатлардан бири эканлигини ҳеч ким инкор этмайди. Фақат шўролар даври мобайнида унга бошқача кўз билан қараш мавжуд эдики, одамлар юрагида ўсган Саховат дарахтини қайчилаб туришга мажбур эдилар. Озодлик мана шу дарахтнинг илдиз отишига ва улкан дарахтга айланишига имкон яратди.

**... Саховат қилган одамга нега саховат қилдингиз деб савол бериш ноўрин бўлганидек, имкони бўлатуриб, саховат кўрсатмаганларга нега саховат кўрсатмайсиз, деб айтиш ҳам тилимизга сиғмайди. «Берсанг ҳам омон бўл, бермасанг ҳам омон бўл» деганларидек, буёғи энди юракнинг буюргани. Албатта, саховатли инсонларнинг сафи бир жойда тўхтаб қолгани йўқ, улар сони тобора кўпайиб бормоқда.**

Саховат кўрсатган одамлар билан гаплашсангиз, улар бу ҳимматларини кўпиртириб гапиришга тоқатлари йўқ. Улар буни бурч деб тушунадилар холос. Зотан, ўзи тўқнинг ўзга билан иши йўқ, деган тушунча халқимизнинг менталитетига бутунлай ёт нарса. Очарчилик йилларида ҳам, уруш пайтида ҳам битта нонни тўртга бўлиб берган саховатли инсонлар ҳақида қанча-қанча асарлар ёзилган. Фақат ўзимиз эмас, бошқа халқлар ҳам ўзбекнинг Саховатини юракларидан чиқаргани йўқ.

Тўғри, бугун очарчилик йўқ, худога шукур, урушдан йироқмиз, юртимиз тинч, элимиз тинч. Лекин қийналиб яшаётган оилалар, бева-бечора ва етим-есирлар ҳам борлигини яшириб нима қиламиз? Ҳукуматимиз уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб турибди, ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан кўмаклашмоқда. Аммо, ҳаммани қамраб олиш қийин экан, барибир ёрдамга муҳтож, кам таъминланган оилалар бор. Шунинг учун ҳам Саховат бизга кунда керак, саховатли инсонлар қанча кўпайса, шунча яхши.

Бир маҳалла оқсоқоли ибрат бўладиган қизиқ бир воқеани гапириб берди.

Маълум бўлишича, икки қўшни неча йиллардан бери тинч-тотув яшар экан. Биттаси тўй қилиб, уйдаги соғин сигирини сотибди. Орадан кўп ўтмай, невара кўриб, ҳар куни иккинчи қўшнисиникига идиш билан пул кўтариб чиқаркан. Қўшнининг эса иккита соғин сигири бўлиб, еган-ичганидан ортганини бозорга олиб чиқаркан. Шундай кунларнинг бирида иккинчи кига чиқиб, аввал невара билан табриклади, ўзининг битта соғин сигирини унинг ҳовлисига боғлаб: «Шу неваранинг тўйига қўшганим бўлсин, қўшни, бола соғлом ўссин, сиз билан бизнинг эртамиз шулар» деб чиқиб кетибди.

Бу саховат тўй ўтказиб, қадди сал эгилиб қолган қўшни оила аъзоларини селдай йиғлатибди, меҳр-оқибатнинг тириклигига шукур қилибдилар.

Маълумки, Президентимизнинг болалар спортини ривожлантиришга оид Фармони кўп яхши иш бўлди. Энг муҳими, телевидениеда кўриб, радиодан эшитиб, матбуотдан ўқиб, шу нарсаларга амин бўлаяпмизки, бу ташаббусни қўллаб-қувватлайдиган саховатли инсонлар кўп экан. Ўртачирчиқ туманидаги «Оқота» ва «Ўртасарой» қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудларида яшовчи 10 нафар тадбиркор 10 та маҳалланинг болалар футбол жамоасига 150-200 минг сўмликдан спорт кийимлари ва анжомлари олиб беришди. Уларни биров мажбур ҳам қилгани йўқ, зиммасига мажбурият юкланган ҳам йўқ. Ҳаммаси қалб амри билан бўлди.

Бир сўз билан айтганда, Саховат илдиз отиб бормоқда, унинг бош илдизи эса, юрагимизда. Саховатли инсон доимо дуолар қанотида, дейишади. Шундай улуғ дуолардан бенасиб қолмайлик, азиз биродар!

Саховат барчамизни қучоқ очиб кутиб турибди. Қани, биринчи қадамни дадилроқ ташланг, ортингизда қўллаб-қувватлаб турган халқ бор!

**Ҳамид НОРҚУЛОВ.**

Брифинг

# ДИН ВА ЖАМИЯТ МУНОСАБАТЛАРИ

***Тошкент ислом университетида мустақиллик йилларида диний соҳада эришилган ютуқлар ва университетнинг бугунги фаолиятига бағишланган брифинг бўлиб ўтди.***

Унда хорижий ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакиллари ва Тошкент Ислом университети ўқитувчилари иштирок этишди.

Брифингда таъкидланганидек, бугунги кунда юртимизда барча динларнинг ривожланиши учун шарт-шароитлар яратилган. Аҳолининг 90 фоизи ислом динига, 5 фоизи православликка, қолган 5 фоизи эса бошқа динларга эътиқод қилади.

Ўзбекистонда ислом илмидан таҳсил берувчи 10 та билим юрти фаолият юритмоқда. Бу борада Тошкент ислом университетининг ўрни алоҳида. Катта педагогик салоҳиятга эга бўлган ушбу университетда таълим олиш учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган. Бу ерда диний ҳамда замонавий билимга эга бўлган салоҳиятли мутахассислар етишиб чиқмоқда ва Ислом динининг тараққиёти учун хизмат қилмоқдалар. Учрашувда сиёсийлаштирилган ва жангари «ислом»ни ниқоб қилиб олганлардан асл исломни ҳимоя қилиш долзарб вазифа бўлиб қолаётганига алоҳида эътибор қаратилди. Айрим хорижий оммавий ахборот воситалари Ўзбекистоннинг диний ҳаётига доир масалаларни нохолис ёритмоқдалар.

Бундай ёндошув Ўзбекистондаги ҳақиқий аҳволдан хабардор эмаслик, мамлакатимизда амалга оширилаётган ижобий ўзгаришларни кўришни истамаслик, ундан кўз юмишга ҳаракат қилиш натижаси эканлиги таъкидланди.

Тадбир давомида мамлакатимиздаги эътиқод эркинлигини таъминлаш йўлида амалга оширилаётган бошқа хайрли ишлар ҳақида ҳам муфассал маълумотлар берилди.

**Равшан ЁҚУБЖОНОВ,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

***Япония ҳукумати республикамиздаги ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими ўқитувчилари малакасини ошириш йўналиши бўйича 707 миллион япон иенаси (6,3 миллион АҚШ доллари) миқдорида грант ажратди.***

# Таълим учун грант

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказидан маълум қилишларича, Кунчиқар мамлакатнинг беғараз ёрдами асосида ишлаб чиқилган мазкур лойиҳанинг мақсади Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига биноан ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими сифатини янада оширишдан иборат.

**ЎзА.**

# ЖАМҒАРМА ЁРДАМИ

***"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси 1-Тошкент давлат тиббиёт институти болалар стоматология жарроҳлиги бўлимига компьютер ва тиббий жиҳозлардан иборат хайрия ёрдамини топширди.***

Бундан ташқари, чет эллик ҳамкорларнинг грантлари эвазига операция қилинган ҳамда даволанаётган Наманган, Жиззах ва Тошкент вилоятларидаги кам таъминланган оилаларнинг йигирма нафар фарзандига жамғарманинг эсдалик совғалари топширилди.

Айни пайтда 15 нафар ўғил-қизлар жарроҳлик йўли билан даволанди. Шунингдек, жамғарма йигирма нафар ўсмирни Германия ва Австрия шифохоналарида даволанишлари учун "Пис виллаж Интернешнл" инсонпарварлик ташкилоти билан ҳам битим имзолади. Ўтган йили мазкур ташкилот "Соғлом авлод учун" жамғармасига 10 миллион сўмлик грантни тақдим этганди.

# ТИББИЁТЧИЛАР СЕМИНАР-ТРЕНИНГИ

***Республика Врачлар малакасини ошириш институтида Буюк Британия Соғлиқни сақлаш департаменти вакиллари иштирокида семинар-тренинг ўтказилмоқда.***

Унда Саломатлик институти, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Экосан", "Соғлом авлод учун" ва Ибн Сино жамғармалари ҳамда вилоят ва туман тиббиёт масканларининг вакиллари қатнашмоқда. Лойиҳа Жаҳон банки томонидан молиялаштирилган.

Соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотларни амалга оширишда халқаро алоқалар ва тажриба алмашувлар муҳим ўрин тутади.

Мазкур семинар-тренинг 1994 йилда бошланган Саломатлик дастурининг иккинчи босқичи бўлиб, у аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга бутун жамоатчиликни жалб этиш, юртимиздаги барча корхона ва ташкилотларда, таълим масканларида, маҳаллаларда тарғибот - ташвиқот ишлари олиб боришни кўзда тутади.

**"Туркистон-пресс".**

«Диққат, болалар!»

***Мастура опа кенжа фарзандини эрта тонгда мактабга кузатдию кўнгли хотиржам бўлиб, ўзи ҳам ишга йўл олди. Эндигина ишхонага етиб борган эди, телефон жиринглаб қолди. Гўшакни кўтарган эди, нариги тарафдан катта ўғлининг товуши келди.***
***— Ойи, тезда ортингизга қайтинг, укамни машина уриб кетибди.***

# ФАРЗАНДЛАР БЕХАТАР ЮРСИН



Мастура опа қандай қилиб уйга етиб келганини билмади. Автоҳалокат туфайли Мансуржон қаттиқ лат еган экан, касалхонага олиб кетишибди. Афсуски, жароҳатнинг зўридан боланинг жони узилган экан. Она бечора ўзини йўқотар ҳолатда фарзанди жасади устида дод-фарёд соларди...

Маълум бўлишича, катта йўлдан ўтаётган Мансуржон ён-атрофга қарамай нариги томонга интилган. Натижада яқин келиб қолган юк машинаси уни уриб юборган.

Ана шундай ҳолатларнинг олдини олиш, болалар ўртасидаги автоҳалокатларга йўл қўймаслик мақсадида вилоят Ички ишлар бошқармаси Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси томонидан «Диққат, болалар!» ўн кунлик тадбири эълон қилинган эди. Айни кунда тадбир доирасида жойларда болалар билан машғулотлар давом этмоқда. Айниқса, ўқув муассасалари ва маҳалла жойларида ўтаётган амалий дарслар болалар онгига муҳрланиб қолиши шубҳасиз. Чунки, бундай тадбирларда йўловчиларнинг ҳаракатланиши билан боғлиқ барча қонун-қоидалар кўргазмали чиқишлар орқали тушунтириб берилмоқда.

Болаларнинг йўл ҳаракати қоидаларини билмасликлари ёки унга амал қилмасликлари оқибатида ўтган йилда 329 та бахтсиз ҳодиса юз берган эди. Бу бахтсизликлар оқибатида 292 нафар бола турли хилдаги тан жароҳати олган. 47 нафар бола эса ҳаётдан кўз юмди. Албатта, бу рақамлар 2002 йил кўрсаткичларига нисбатан камайган. Жумладан, йўл-транспорт ҳодисалари сони 15 тага, жароҳатланиш 8 тага ва болаларнинг ҳалок бўлиши 3 тага камайишига эришилди.

Бироқ шуни айтиш керакки, ўтган йилда содир этилган йўл-транспорт ҳодисалари сони айрим шаҳар ва туманларда ошган. Жумладан, Ангрен, Янгийўл шаҳарларида ва Юқоричирчиқ, Ўртачирчиқ, Зангиота ва Бекобод туманларида бундай кўнгилсиз ҳодисалар кўплаб қайд этилган.

Хўш, нима сабабдан бу ҳолатлар юз бермоқда.

Сўровлар шуни кўрсатмоқдаки, ўқув муассасаларида йўл ҳаракати билан боғлиқ қоидалар талаб даражасида ўқитилмаяпти. Бу борада йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари ҳам етарли жонбозлик кўрсатмаяптилар. Улар иштирокида болалар муассасаларида ҳаракат хавфсизлиги тадбирлари жуда кам ташкил этилмоқда.

Ана шундай камчиликларни бартараф этиш мақсадида бу йил мунтазам равишда амалий дарслар, учрашувларни уюштириш режалаштирилган.

«Диққат, болалар!» тадбири давомида эса, бундай тадбирлар қатъий режа асосида ўтказилмоқда.

**Исроилхўжа САЙДИКАРИМОВ,**
**Вилоят ИИБ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси инспектори.**

# ЭЗГУЛИК ИФОДАСИ

***Меҳр ва мурувват йили муносабати билан Чиноз туманидаги 183 нафар ўқувчига мўлжалланган 4-мактаб интернати биносини қайта таъмирлаш мақсадида ишлар бошлаб юборилди.***

Ётоқхона биносига ичимлик суви келтирилди. Бундан ташқари мактаб биносининг кўриниши ва иситиш тизимидаги ноқулайликларни бартараф этиш ҳам кўзда тутилган.

Яқинда туман «Маҳалла» жамғармаси томонидан қарийб 100 минг сўмликка яқин турли хил ошхона жиҳозлари ҳам топширилди.

# БОБОТОҒДА ЎТКАЗИЛДИ

***Қизил ярим ой жамиятининг Ангрен шаҳар бўлими томонидан Боботоғ маҳалласида тадбир ўтказилди.***

Унда қатнашган маҳалладаги кам таъминланган оилалар фарзандлари учун дастурхон ёзилди ҳамда болалар ўртасидаги турли касаллик ва салбий ҳолатларни бартараф этиш юзасидан самарали маслаҳатлар берилди. Тадбиркор Ўрозали Мақсудов ҳомийлигида ўтказилган ушбу тадбирда болалар учун Нидерландиядан келтирилган турли эсдалик совғалари улашилди.

Таҳлил

***17,8 миллиард сўм... Бу вилоят ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси ва унинг жойлардаги маҳаллий бўлимлари жамоаларининг ўтган йилги фаолияти туфайли тушган маблағ. Вилоятимиз шаҳар ва туманларида истиқомат қилаётган аҳоли у ёки бу тарзда улар меҳнатидан наф кўрмоқда.***

# ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН...

***Шу йилнинг бошига келиб истеъмолчиларнинг коммунал хизмат кўрсатиш ташкилотларидан қарзлари 2,6 миллиард сўмга етди. Хизматнинг барча турлари бўйича тушган тўловлар меъёрдагидан кам. Агар бундай дебиторлик қарзлари бўлмаганида эди, коммунал хизмат кўрсатишни кенгайтириш, барча бўлинмалар фаолиятини янада яхшилаш учун қўшимча маблағлар ажратиш мумкин бўларди.***

Иссиқлик, ичимлик суви етказиб бериш, ҳудудлар тозалиги, уларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, шаҳар ва туманларнинг тунда чароғон бўлиши, катта-кичик ерлар захини қочириш тармоқлари тизимини соз ҳолда сақлаш, турли фуқаролик маросимларига ёрдамлашиш ва бошқа шу каби юмушлар улар зиммасига юклатилган. Бу вазифаларнинг уддасидан чиқишнинг ўзи бўлмайди, албатта. Қолаверса, бирлашмага қарашли турли корхона ва ташкилотлар аҳолига пулли хизмат кўрсатишни ҳам йўлга қўйишган. 2003 йилда унинг ҳажми 3 миллиард 576 миллион сўмликни ташкил этди.

Ўтган йили қиш мавсумига тайёргарлик бўйича анча ишлар амалга оширилди. Бунда 1991 йилгача қурилган уй-жойларни мукаммал таъмирлашга алоҳида эътибор берилди. Маблағнинг танқислигига қарамай, 500 та шундай уйлар қўлдан чиқарилди. Тўққизта қозонхона тўлиқ таъмирланди. Ташқи иссиқлик тармоқларини мукаммал ва жорий таъмирлаш бўйича ишлар салкам 500 километр узунликдаги тармоқларда олиб борилди. Ичимлик суви тармоқларини қишга тайёрлаш топшириғи ошириб адо этилди. Ҳаммаси бўлиб эса 2 минг километрдан ортиқ узунликдаги ичимлик сув тармоқлари таъмирдан чиқарилди.

Маълумки, жойлардаги иситиш иншоотлари, айниқса, қозонхоналар анча эскириб қолган, уларнинг аксарияти буткул таъмирлашни, янгилари билан алмаштиришни тақозо этади. Бунинг учун эса кўп сармоя керак. Шунинг учун коммунал хўжалик ходимлари марказдан иситиш қийин бўлаётган, айниқса, истиқомат қилувчиларнинг кўпчилигини ногиронлар ва кексалар ташкил этаётган кўпқаватли уй-жойларда алоҳида иситиш усулини қўллашга киришдилар. Вилоят бирлашмаси раҳбариятининг ташаббуси билан бошланган бу иш анча самарали чиқди. Мўъжаз қозонхоналарни уй устига ўрнатишаяпти. Унинг дастлабкиси Чирчиқдаги иккита кўпқаватли турар-жойда қурилди. Ўн биринчи микротуманнинг 21-уйида ишга туширилган қозонхонанинг афзаллиги дарҳол билинди. Унинг фойдали иш коэффициенти 95 фоизни ташкил этаяпти.

Ҳисоб-китоблар бу уйни иситиш учун сув ҳароратини лозим даражага етказишга ёқилғи-газ икки ярим баробар кам сарфланишини кўрсатди. Ҳозир шаҳардаги яна бир уйда шундай қозонхона ўрнатилаяпти. Янгийўл шаҳрининг «Тонг» уй-жой мавзесидаги еттита кўпқаватли уйларда ҳам учта шундай қозонхона қурилмоқда. Унинг биттаси ишга туширилди. Қолганлари ҳам тез кунларда фойдаланишга топширилади. Ҳисобларга қараганда, унинг ҳар биттасига олти миллион сўм маблағ сарфланаётир. Бу мосламалар Тошкент ва Чирчиқдаги «Энком» ва «Полюс» фирмаларида тайёрланаяпти. Бирлашманинг ўзи ҳам келгусида шундай иситиш манбаларини тайёрлашни ўзлаштиришни назарда тутмоқда.

Лекин, айрим кўрсаткичлар бўйича йиллик режадагига нисбатан қолоқликка йўл қўйилди. Чунончи, йил давомида 100 та кўп қаватли турар-жойларнинг коммуникация тармоқлари тўла таъмирдан чиқарилмай қолди. Айниқса, сув ўлчагичларини ўрнатишдаги аҳвол ташвиш туғдирмоқда. Тўғри, бу муҳим ишда коммунал хўжалик идораларига жойлардаги маҳаллий ҳокимият органлари яқиндан ёрдам беришлари керак. Айрим шаҳар ва туман ҳокимликлари бу ишни жадаллаштириш учун зарур имкониятларни ишга солмоқдалар. Чирчиқ, Янгийўл шаҳарлари, Тошкент, Бўка туманларининг мутасадди ташкилотлари шундай қилишаяпти. Аҳоли ўртасида газ ва сув ўлчагичлари ўрнатиш ҳам давлатга, ҳам аҳолига катта наф келтириши ҳақида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилаяпти.

Банклардан кредит олинаяпти, қўшимча маблағ ажратилмоқда, ўлчагичларнинг қийматини тўлаш узоқ муддатли қилиб белгиланмоқда. Шунинг учун ҳам уларда ижобий силжишлар сезилмоқда. Бироқ, қатор шаҳарлар ва туманларда бу муҳим тадбир умуман эътибордан четда қолган. Масалан, ўтган йили Ангренда 8612 та хонадонга сув ўлчагичлари ўрнатиш режалаштирилган бўлса, бор-йўғи 344 та ўрнатилган. Оҳангарон шаҳрида режа 6,4 фоиз қилиб бажарилган, холос. Бекободда ҳам шундай аҳвол ҳукм сурмоқда. Ўртачирчиқ, Бекобод, Янгийўл туманларида эса, бу иш умуман эсдан чиқариб юборилган. Бўлмаса, уларда йил давомида бирорта ҳам сув ўлчагичлари ўрнатилмаганлигини яна қандай изоҳлаш мумкин.

Вилоятимизда уй-жой эгалари ширкатларининг ташкил этилиши коммунал хўжалик ходимлари ишини бирмунча енгиллаштирди. Улар кўпайиб бормоқда. Ҳозиргача 170 та шундай нодавлат ташкилотлари тузилди. Уларга 3155 та уйлар бириктирилган. Айримлари самарали ишламоқда. Чирчиқдаги Баҳодир Холмирзаев бошлиқ «Шинам», Тошкент туманидаги Татьяна Ким раҳбарлик қилаётган «Келес-коммуналчи» ширкатлари ўзларига бириктирилган уй-жойларни, уларнинг муҳандислик тармоқларини таъмирлашни бемалол уддаламоқдалар. Бу иш билан шуғулланувчи мустақил муқобил корхоналар эса, 796 та уйларни соз сақлаш ишларини ўз зиммаларига олишган. Жумладан, Чирчиқдаги «Коммунал сервис» хусусий фирмаси 47 та, Қибрайдаги «Ғайрат» хусусий таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси эса 33 та уйни таъмирлаш билан шуғулланмоқда. Бу ширкатлар ва муқобил корхоналар кўпчилигининг моддий-техника негизи етарли эмас. Улар оёққа туриб олиши учун ёрдамга муҳтож. Вилоят ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси ва унинг жойлардаги бўлинмалари бундай кўмаклашишда фаол иштирок этмоқлари лозим. Улар билан ҳамкорликни ҳар томонлама кенгайтиришлари, бунинг учун барча имкониятларни ишга солишлари зарур. Бирлашма уларга ёрдам сифатида «Уй-жой мулкдорлари ширкатлари учун қонуний ва меъёрий ҳужжатлар тўплами»ни нашр этиб, хайрли иш қилди. Лекин, шу билангина чекланиб қолмаслик, ширкатлар ва муқобил корхоналарнинг ҳуқуқлари ва вазифаларини тушунтириш ишларини кенгайтиришлари, уларга амалий ёрдамни кучайтиришлари керак.

Вилоят ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси нодавлат, мустақил ташкилот бўлиб, хўжалик ҳисоби асосида ишлайди, яъни ўз харажатларини ўзи қоплаши, олган фойдасини эса, мижозларга кўрсатилаётган хизмат ҳажми ва сифатини оширишга сарфлаш имконига эга бўлиши даркор. Бунинг учун кўрсатилган хизмат ҳақи ўз вақтида ундирилиши лозим. Амалда бунга эришиб бўлмаяпти. Мижозлар ҳақни муддатида тўламаяптилар. Бунинг устига муддати ўтган қарзлар ҳам камаймаяпти. Тушумнинг камлиги, дебитор қарздорликнинг ортиб бориши аҳолига коммунал хизмат кўрсатишни такомиллаштиришда қийинчилик туғдирмоқда. Фуқаролар ўзларининг ҳам бунда «ҳиссалари» борлигини тушунишлари керак. Кўпчиликка хизмат кўрсатаётган коммунал фойдаланиш ташкилотларининг меъёр даражада ишлаши асосан шу кўпчиликнинг қўллаб-қувватлашига, яъни хизмат ҳақини вақтида ва етарли миқдорда тўлаб туришларига ҳам боғлиқдир. Қарс икки қўлдан чиқади, деганларидек, икки томон — хизмат кўрсатувчи ва ундан фойдаланувчи томонларнинг яқин ҳамкорлиги ишда самара, унум ва сифатни таъминлайди. Кўпчилик бир-бирини тушуниб ишласа, икки ўртада ишонч бўлса, албатта, мақсадга эришилади.

**Мирсобир МИРҲАМИДОВ.**

# ЁШ ОИЛАЛАР ЗИЁРАТДА

***Халқимиз орасида одат тусига айланиб қолган баъзи анъаналар ҳам борки, уларнинг аксарияти қуруқ дабдабазлигу кимўзарлик натижасида ортиқча исрофгарчиликларга, кераксиз харажатларнинг кўпайишига олиб келади.***

Жумладан, Ҳайит байрамларидаги «Келин салом» тадбирларининг серчиқим ҳашамлари дину диёнатга ҳам, миллий қадриятларга ҳам, бугунги кун талабларига ҳам тўғри келмайди. Президентимизнинг 1998 йил 28 октябрдаги «Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни тартибга солиш тўғрисида»ги Фармони халқ хоҳиш-иродасини ўзида акс эттирган меъёрий мезон бўлган, десак адашмаймиз.

Қибрай тумани ҳокимлиги ана шу фармон ижросини таъминлаш ва ёшларни халқимизнинг бой маданий мероси намуналари билан яқиндан таништириш мақсадида хайрли тадбирни амалга оширди. Куни кеча нишонланган Муборак Қурбон Ҳайитининг биринчи кунида 50 нафар янги келин-куёвлар азиз қадамжоларни зиёрат қилиш учун Самарқанд шаҳрига юборилди. Саёҳатни уюштиришда ва унинг кўнгилли ўтишида туман ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, Халқ демократик партияси туман бўлимларининг ҳиссаси катта бўлди.

— Сафар уюштириш ҳақидаги таклифимизни ёшлар маъқуллади, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими раиси Дониёр Зокиров. — Бу эса, ёшлар тафаккуридаги янгиланиш ва маданий меросимизга бўлган ҳурмат-эҳтиром белгисидир. Ўз навбатида мазкур ташаббус ёш оилаларда бўладиган серчиқим «келин салом» каби тадбирларнинг қисқаришига хизмат қилади. Келинчаклар байрамда меҳмон кутишу келин салом билан банд бўлмай, табаррук жойларни зиёрат қиладилар. Назаримда, шу жиҳат ёшларга ҳам маъқул келди.

Тонг саҳарда ҳокимлик биноси ёнида оқ фотиҳа олиб йўлга чиққан келин-куёвлар дастлаб Самарқанд вилоятининг Челак туманида юртбошимиз ташаббуси билан бунёд этилган «Ал-Бухорий» ёдгорлик мажмуини зиёрат қилдилар. Сўнгра буюк бобокалонимиз Амир Темур ҳазратлари қурдирган, неча асрлардан бери ўзининг бетакрор меъморий ечими билан дунё аҳлини лол қолдириб келаётган тарихий обидалар билан танишдилар.

«Гўри Амир», «Шоҳи Зинда», «Бибихоним» каби меъморий мажмуалардаги зиёратлар шукуҳи ёшларнинг хотираларида бир умр сақланиб қолса ажабмас. Табаррук қадамжоларда қилинган дуолар, эзгу ниятлар ижобати қибрайлик келин-куёвларнинг бахтли ҳаётларини чароғон этиши шубҳасиз.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

*СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ*

## ЯККАКУРАШЧИЛАРИМИЗ ЮТУҒИ

***Тошкент туманида Меҳр ва мурувват йили муносабати билан вилоят жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Турон яккакураши бўйича вилоят федерацияси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши ҳамкорлигида 1986-1987 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида Турон яккакураши бўйича республика биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди.***

Ўзига хос шиддатли баҳсларда мамлакатимизнинг қарийб барча вилоятларидан 200 нафарга яқин умидли ёш спортчилар қатнашдилар. Мусобақаларнинг мезбони сифатида гиламга чиққан навқирон яккакурашчиларимиз умумжамоа ҳисобида ҳам ғолибликни қўлга киритишди. Иккинчи ўринга Тошкент шаҳри ўсмирлари сазовор бўлишди. Турнир меҳмони — жиззахлик спортчиларга учинчи ўрин насиб этди.

**Воҳид БОЙМУРОДОВ.**

Халқ табобати

## ЗАЙТУН

Бу дарахт доим яшил, бўйи 12 метргача боради, сершох. Танаси билан шохлари одатда эгри-бугри ҳолатда ўсади. Барглари қарама-қарши жойлашган, наштарсимон шаклда бўлиб, қалин, бўйи 12 см.гача боради. Гуллари майда, хушбўй, бир ёки икки жинсли, 15-30 тадан тўп бўлиб туради. Чўзинчоқ, тухумсимон ёки думалоқ шаклдаги данакли мевасининг узунлиги 2-4 см. келади. Мевасининг эти мойли, гўштдор, оқимтир рангда.

Зайтун май — июнда гуллаб, сентябрь — декабрь ойларида мевалари етилади. Марказий Осиёнинг баъзи жойларида экилади.

Табобатда зайтун мойи ўраб олувчи, юмшатувчи ва майин сурги воситаси тариқасида ҳазм қилиш аъзолари касалликларида ишлатилади. Бу ўсимликнинг мойли эмульсияларидан ўт тоши ва пешоб тоши хасталикларида фойдаланилади.

Унинг мойи замонавий табобатда ҳам қадрланади. «Олеметин», «Цистенол», «Энатин», «Роватин» ҳамда «Ровахол» деган дорилар таркибида мойи бор. Бундан ташқари, бу мойдан дори моддалар (камфора, жинсий гормонлар ва бошқалар) эритувчиси сифатида кенг фойдаланилади.

Тажрибаларда баргларидан тайёрланган экстракт ҳайвонларга юборилганида, артериал қон босим пасайиб, пешоб кўпайишига сабаб бўлган. Ичак иши ҳамда нафас равонлашади. Чет элларда бу экстрактдан гипертонияга даво қилиш учун фойдаланилади.

## ЭКРАНДА «ЗАНГИОТА ҲИММАТИЙ»

«Ўзбектелефильм» студияси томонидан «Буюк аждодларимиз» рукни остида қатор ҳужжатли фильмлар яратилмоқда. Жумладан, «Зангиота Ҳимматий» деб номланган янги экран асари ҳам ана шу саъй-ҳаракатлар самарасидир. Бу шахс Яссавий тариқатининг тарғиботчиси сифатида гавдаланади. Айни вақтда унинг ҳаёт йўлига оид лавҳалар ҳам киши эътиборини ўзига тортади.

Фильмни ёзувчи Маҳкам Маҳмудов сценарийси асосида истеъдодли режиссёр Саидботир Аҳмадхўжаев суратга олган.

**Акбар АЛИЕВ.**

## ЯНГИ ҚЎЛЛАНМА

***Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар юқори малакали, тажрибали ва юксак савияли журналист мутахассисларни тайёрлашни талаб этмоқда.***

Бунинг учун эса, янги ўқув қўлланмалари зарур. Ф. Нестеренко, М. Казем, Я. Маматова, Қ. Эрназаров ва бошқа муаллифлар томонидан яратилган «Луғат-маълумотнома: Журналистика, Реклама, Паблик Рилейшнз» рисоласи («ZAR QALAM» нашриёти, 2003 йил) шу маънода катта воқеа бўлди. Унда журналист, оммавий алоқалар, реклама ҳамда Интернет ва замонавий компьютер технологиялари билан шуғулланадиган мутахассислар учун зарур бўлган сиёсатшунослик, иқтисодиёт, маркетинг, бизнес, психология ва ҳуқуқий амалиёт, Интернет, Интернет-журналистикага оид 1700 та атама изоҳи берилган.




Мазкур луғат талаба, аспирант, тадқиқотчи, ёш амалиётчи журналистлар ҳамда журналистика ва турдош соҳаларга қизиқувчиларга мўлжалланган.

## «ДИЙДОР» ИЧРА ДИЙДОРЛАШУВ

***Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида атоқли танқидчи ва адабиётшунос олим Матёқуб Қўшжонов қаламига мансуб "Дийдор" номли китобнинг тақдимоти ўтказилди. Китоб "Шарқ" матбаа нашриётида уч минг нусхада чоп этилди.***

Мазкур китобда академик олим бизга ўтмиш ва бугунги кунимиздан сабоқлар беради. Республикамизнинг муҳим жабҳаларида фаолият кўрсатган жамоат, фан арбоблари, машҳур олимлар, ёзувчи ва шоирлар билан бевосита хизмат юзасидан, илм ва ижод бобида қилинган ўзаро ҳамкорликлари, инсоний муносабатлари ҳақида ҳикоя қилади.



Хотира жанрида ёзилган ушбу китоб барча китобхонларга манзур бўлиши шубҳасиз. Чунки, ўтганларни хотирлаш, тириклар қадрига етиш ва улардан ўрнак олиш ҳаммамиз учун ҳам фарз, ҳам қарздир.

**Д. ТОИРОВА,**
**"Туркистон-пресс".**



## Саъдулла СИЁЕВ
# Зуҳра холанинг қайсар КЕЛИНИ
(Қисса)

III.

Кун кўтарилганда, бир жўраси келиб, Алижонни чақириб кетди. Гулмат ота ҳам эшагини миниб, қишлоқнинг нариги чеккасидаги бир маъракага жўнади. Уйда Зуҳра хола билан Лариса иккаласи ёлғиз қолди. Лариса ичкари киради, ҳовлига чиқади. Қайнонасига бир нима дегани қўрқади. У зерикди. Уйда тили, жағи бутун икки соқов бир-бирига қараб бўзрайиб ўтирса, хунук бўларкан. Зуҳра холанинг хуноби ошди. Хаёлида чоли ҳам, ўғли ҳам, мана бу чулчит билан тиллашолмай куйиб ўтир, деб қасддан чиқиб кетишгандек туюлди.

Хола тиззасига суяниб, секин қўзғолди. Ҳовлига чиқиб, у ён-буёнга мўралади. Лариса кўринмади. Кампир атайлаб «Алижон!» деб қичқирди. Лариса хос хонасида экан, югургилаб чиқди. «Нима дейсиз, ая-жон?» дегандек, жавдираб боқди. Зуҳра хола қўлини силтаб, ҳовлини кўрсатди:

— Анави ернинг ётишини қара! Ит боқса уялади. Супургини олиб, чалиб қўйсанг, белинг синадими?

Лариса қайнонасининг совуқ авзоига қараб, довдираб тураверди.

— Уҳ, бу чулчитни нима қиламан-а, энди, нима қиламан? — деб жавради хола, — бўйнинг узилмагур Али, қариганда мени не кўйларга солдинг?

Зуҳра хола айвондан пастга тушди, ток ёнида ётган супургини олди-да, ерни бир-икки силаб кўрсатди.

— Мана бунақа қилиб супур деяпман сенга, меров!

Лариса қайнонасининг фикрига тушуниб, севиниб кетди. Тўрт ҳатлаб пастга тушди, кампирнинг қўлидан супургини олди ва чангитиб ҳовлини супура бошлади. Хола рўмолининг учи билан бурнини бекитди.

— Ҳўв, фаросатинг борми ўзи? Ҳеч замонда одамга қараб ҳам супурадими?

Лариса ажабланиб, тўхтаб қолди. Кампир унинг қўлидан супургини тортиб олди. Энгашиб, секин-секин, тўрдан чорбоғ томонга қараб, супуриб кўрсатди.

— Мана бунақа супуради, укдингми, ойимтилла, ма ушла!

Лариса, тушундим дегандек, бош силкиди ва кампирга тақлид қилиб секин-секин супурги ура кетди. Хола бир зум қараб турди. Ларисанинг узун этаги ҳам супургига қўшилиб ерни ялаб борарди. Кампир ҳансираб келинининг олдига борди-да, унинг этагини кўтариб, липпасига қистириб қўйди.

Лариса ҳовлини супура-супура уй ортига ўтиб кетди. Зуҳра хола айвонга қайтиб чиқди, жойнамоз устида тасбеҳ ўгириб, калима келтириб ўтирди. Шу пайт «Эгачи!» деб Моҳирўй кирди. Моҳирўй уч уй нарида туради, Зуҳра холадан анча ёш, беш ўғилу ёлғиз эрка қизнинг онаси. Ўзининг кулоғи оғир бўлганигами, бошқаларни ҳам гаранг деб ўйлаб, бақириб гапиради.

— Эсон-омонмисиз, эгачи?! — деб шанғиллади у, — тўйиларни ҳам бизсиз ўтказиб олдингиз? Буюрмаганини қаранг. Холам сал бетоброқ экан, бир ҳафта бурун шаҳарга тушиб кетиб эдим. Ёнида ўтириб қолдим. Келсам, маҳаллада дув-дув гап. Нима дейсан, Алижон ўрис хотин олиб келган эмиш... «Қайси Алижон?» десам, «Ўзимизнинг Алижон, Гулмат отанинг ёлғизи» дейишди. Вой, шўрим, дедим, отинойимнинг шўрига шўрва тўкилибди-да, дедим. Нима қиласиз, кўргилик экан-да, эгачи...

Моҳирўй, «Алижон уйланадиган бўлса, қизимни олармикан?» деган илинжда юрарди. Хаёлидаги куёвининг уёкдан қўшалоқ бўлиб келгани унга алам қилди. Шунинг учун гўё, Зуҳра холага раҳм қилган бўлиб, Ларисани ёмонлаб олмоқчи эди. Буни хола ҳам пайқаб, сир бермади.

— Ўрис бўлса ҳам, худонинг бандаси, — деди дардини ичига ютиб, — мусулмон-қобил бўлиб қолар. Бўлмаса, жавобини бераман.

— Бўлмайди, айнаний эгачи, ўлгандаям бўлмайди, — деб бақирди Моҳирўй, — қирқ йил қайнатсангиз, қони қўшилмайди.

Шу пайт остонада «Мама!» деб қўлида супургиси билан Лариса пайдо бўлди. Моҳирўй унга ажабланиб боқди. Атлас кўйлак қизга чунонам ярашган эдики...

— Ярашмабди... — деди Моҳирўй, — атлас ҳаром бўлибди-да. Ҳай аттанг.

Зуҳра холаники тутиб кетди:

— Бўпти, нима кийдиришни ўзим биламан! — деди жеркиб. Кейин атай Ларисани мақтаган бўлди, — ҳаммаёқни супуриб бўлдингми, болам? Энди сенга бошқа иш бор.

Моҳирўй Зуҳра холадан аввал турди. Ларисага масхараомуз қараб қўйди, ёқасини ушлади. «Тавба, кўзлари кўм-кўк экан-а?» деб чиқиб кетди.

Зуҳра хола Моҳирўйнинг аччиғини Ларисадан олмоқчи бўлди. Уни эргаштириб ошхонага олиб борди. Ўзи ичкари кириб келисоп кўтариб чиқди. Келисопни кўриб, Лариса икки қадам ортига чекинди. Кампир келисопни ерга отиб урди. Бармоғини илмоқ қилиб келинини имлади. Лариса бир-бир босиб яқинлашди. Кампир уни ичкари бошлади. Тутдан ясалган катта қора келини кўрсатиб, кўтар, дегандек им қоқди. Лариса зилдай келини даст кўтариб олиб чиқди. Хола тағин ошхонага кирди. Канop қопдан бир товоқ жўхори олиб сувда чайди. Кейин келига солиб, келисопни олди, ўзи «харс, хурс!» қилиб, бир-икки уриб, кўрсатди.

— Мана шунақа қилиб туйиб ташла, укдингми? — деди Ларисага, — гўжа қиламиз. Алижон гўжани яхши кўради.

Лариса «Алижон, яхши» деган сўзлардан бўлак ҳеч балони тушунмади. Шундоқ бўлса-да, секин келисопни олди, бошига кўтариб туриб бир урди. Иккинчи уришида мўлжалдан адашди, кели ағдарилди, ичидаги жўхори ер билан бир бўлиб сочилди. Лариса, энди бу кампир мени ўлдиради, дегандек қайнонасига қўрқиб қаради. Кампир икки қадам нарида белини ушлаб, бош чайқаб турарди. Унинг хавф солмаётганини кўриб, Лариса севинди ва дарров чўнкайиб ўтирди-ю ҳовучлаб жўхорини йиғиштира бошлади. Кампир ўзича жаврадди:

— Тавба! Бунақа нодоншуд қизни энди кўриб туришим. Қўлидан ҳеч бало келмайди-я! Йўқ, Алижон келсин, айтаман, ё кели туйишни ўргансин ойимчанг, ё тўрт тарафи қибла, дейман.

Шу пайт эшикдан ҳуштак чалиб Алижон кирди. У тўғри қайнона-келиннинг тепасига келди.

— Ҳа ая, маймунга дарс ўргатяпсизми? — деб кулди.

— Қайси гўрдан топгансан, бу дардисарни? — уришди она, — ақалли кели туйишни билмайди-я! Ота-онаси ўргатмабди-да, ҳув, эртага бировнинг уйига борасан, ўзингга пишиқ бўл, демаган экан-да...

Алижон «Аяжон, ўрисда кели нима қилади?» демоқчи бўлдию, барибир онасининг ишонмаслигини ўйлаб, тилини тишлади.

— Хафа бўлманг, ўзим туйиб ташлайман, — деди ва қўшиб қўйди, — лекин, товуқнинг патини юлишга уста. Ишонмасангиз, ҳозир иккита товуқ сўйиб бераман, кўрасиз.

Зуҳра хола лабини бурди:

— Ишқилиб, бир куни ўзингни патингни юлиб қўймаса, деб қўрқаман, оҳ, болам-ей...

Алижон хурсанд бўлиб, онасига эркаланди:

— Сиз борсиз-ку, қандай юлади, ая?

Зуҳра хола яна инқиллаб айвондаги ўрнига қараб кетди.

Алижон бир зумда уйга кириб, кийиниб чиқди. Қопдан мўлроқ қилиб жўхори олди. Сувда чайди. Келига солиб билакларини шимарди. Келисопни баланд кўтариб гурсиллатиб ура бошлади. Лариса унинг ҳаракатини завқланиб кузатиб турарди. Алижоннинг бирон зарбаси хато кетмас, келисоп ҳар сафар келининг ичига тушарди.

— Сув олиб кел, — деди Алижон нафас ростлаб. Лариса йўрғалаб бориб ёғликда сув келтирди. — Энди оздан-оздан сепиб тур.

Лариса кели ичига сув сепди. Алижон тағин келисопни бошига кўтариб куч билан ура кетди. Лариса эрининг моҳирлигига кўзи ўйнаб, боладек чапак чалиб юборди.

— Вот здорово, Али! Зўр туяр экансан. Қачон ўргангансан? Мен икки дунёда ҳам ўрганолмасам керак, Али.

— Ўрганасан. Ўзим ўргатиб қўяман. Лўлининг орасига тушдингми, қўшиғини ҳам айт, деган гап бор. Барнаул олисда қолди, бу ерни Ўрта Осиё дейдилар. Ана, атлас кўйлакни кийиб олдинг. Энди атлас киядиганларнинг урф-одатини ҳам ўрганишга мажбурсан. Чоп, сувдан олиб чиқ.

Бирор соатда келин-куёв бир тоғора гўжа туйиб ташлашди. Алижон ошхонага клёнка ёйди, йирик кўзли элак олиб келиб, Ларисага гўжа элашни ўргата бошлади.

... Зуҳра хола кечаси дукиллаган товушдан уйғониб кетди. Кўча тарафда биров том тешаётганга ўхшарди. Хола қулоқ солди. Гурс-гурс этади-ю, товуш тўхтайди. Яна гурсиллайди. Хола чолини уйғотди.

— Алижоннинг отаси! Ҳай...

Чол ёстиқдан бош кўтарди.

— Нима дейсан, кампиршо?

— Чиқиб қаранг-чи, биров дарвозахонани ураяптими?

Гулмат ота ташқарига қулоқ солди. Бўғиқ товуш ҳамон тинмасди. Ота, «Баҳриддиннинг сигири ечилиб кетган бўлса, том сузиб юргандир-да», деб чиқиб кетди. Анчадан кейин муртидан кулиб қайтиб кирди.

— Сигир эмас, бузоқ экан. Келининг гўжа туйиб ётибди.

Кампир ўрнидан туриб ўтирди. Ёқасига тупурди.

— Навзамбилло! Эсини еб қўйганми у? Боринг, айтинг, тўқ-тўқини бас қилсин! Эшитган қулоққа уят эмасми? Зуҳра бир бечорага зулм қилар экан, кечаси билан кели туйдирибди, демайдими?

— Қўявер, шаштини қайтарма, — деди чол тўшакка кириб, — шундай ўғринча туйиб-туйиб ўрганади-да. Ширин уйқусидан кечиб, ҳафсала қилганига раҳмат демайсанми, нодон?

Эрталаб Лариса бир товоқ тоза эланган гўжалик жўхори олиб кирди.

— Мана, мама, ўзим туйдим, — деди кўзлари чақнаб. Маккажўхори урилавериб, майдаланиб кетган эди.

— Қўлидан келмаса кучаниб нима қилади, тавба! — деб юзини терс бурди Зуҳра хола, сўнг ўғлига ияк қоқди, — бор, қўйларга терт қилиб бер.

Лариса эрига саволомуз боқди:

— Йўқ, — деди Алижон, — ёмон эмас, фақат кечаси эмас, кундузи ҳам туйиб турсин, баракалла, деяптилар.

Лариса эрининг гапига чиппа-чин ишониб, илжайди. Ирғиб туриб қайнонасининг юзидан чўлпиллатиб ўпди. Зуҳра хола рўмолининг учи билан бетини артиб қўйди.

(Давоми бор).

(Давоми. Боши ўтган сонларда).

Шундан кейин

## ЙИГИРМА АСРЛИК КАФОЛАТ



Лондон марказидаги кўҳна эҳром мажмуи ҳудудидаги қазилмалар чоғида антиқа нарса топилди.

Олимлар бундан икки минг йил илгари тайёрланган бу мой юзга суртиш учун хизмат қилган дейишмоқда. Диаметри олти ва баландлиги беш сантиметрли цилиндрик қалай идишда яхши сақланган бу топилманинг илмий таҳлили замонавий косметика учун кўп янгиликлар очиб берса ажабмас.

## ИТ БЎЛИБ ВОВИЛЛАДИ



Австралиялик Лен Ричардс ҳаётини уйда боқилган Лулу лақабли кенгуру сақлаб қолди.

Довул пайтида ҳовлидаги катта дарахт шохи синиб тушиб, Ричардсни босиб қолди. Шунда Лулу ит бўлиб вовиллаб, фермернинг қизини ёрдамга чақирди. Ёрдамга етиб келган қариндошлар бехуш жабрдийдани касалхонага элтдилар. Шу пайтгача кенгурунинг итдек акиллаганини ҳеч ким эшитмаган. Шу боис, эгасига кўмак бериш учун бу ажиб усулни қўллаган жонивор жасорати учун медал билан тақдирланиши керак, деб ҳисоблашмоқда ҳайвонот дунёси ҳимоячилари.

## АТИР ЎРНИГА ХАПДОРИ



Бразилиялик олимлар дезодорант ўрнида фойдаланса бўладиган парфюмланган хапдори ишлаб чиқишди.

Кашфиётчиларнинг таъкидлашларича, бу хапдорини кунига уч марта ютган одам 24 соат мобайнида ўзидан хуш бўй таратиб юради.

«Маҳсулот сотувга чиқаришга тайёр, — дейди доктор Афранио Кравейро. — Фақат Соғлиқни сақлаш вазирлигининг узил-кесил тасдиғини кутаяпмиз, холос».

Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан Тошкент вилоят ҳокимлигининг Капитал кооператив ва якка тартибдаги уй-жой қурилиш бош бошқармасига 1997 йил 26 мартда берилган 31147 рақамли «Гувоҳнома» ва «Далолатнома» йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент вилоят ИИБ матбуот хизмати хабар қилади

## ГАЗ БЕБИЛИСКА ЭМАС

***Қишнинг совуқ кунларида аҳолининг газга бўлган эҳтиёжи кескин ошади.***

Ана шу пайтда ундан ноқонуний фойдаланиш ҳоллари ҳам кўплаб учраши ачинарли.

Бекобод тумани «Далварзин» жамоа хўжалиги 2-бўлимида яшовчи Шуҳрат Ортиқов ва Саид Маъмуровлар уйида газ тармоғига резина шланг улаб, ноқонуний фойдалангани аниқланиб, Ўзбекистон Республикаси Қонунининг тегишли моддасига асосан баённома тузилди.

Шунингдек, Қуйичирчиқ тумани Жамгирчи қишлоғида яшовчи нафақахўр Қосимбек Бойметов ҳамда Арслон Жангирбоев уйида ҳам шундай манзарага дуч келинди.

Оққўрғон туманидаги Й. Охунбобоев номли ширкат хўжалиги Кереит қишлоғида яшовчи Зайниддин Ниёзов уйи газ тармоғига қонунга хилоф равишда улангани аниқланиб, ҳужжатлари туман судига юборилди.

## «ИШБИЛАРМОН» ТАДБИРКОР

***Чиноз туманида ўтказилган «Антитеррор» тадбири жараёнида Охунбобоев номли ширкат хўжалиги, Ачамайли маҳалласида яшовчи тадбиркор Баҳром Қўлдошев уйи олдида гумонланиб, текширилиб кўрилди.***

Буни қарангки, ушбу «ишбилармон» ёнидан 279 грамм кўкнори гиёҳвандлик моддаси топиб олинди.

Ҳозирда ушбу жиноий иш юзасидан тергов жараёнлари олиб борилмоқда.

## ДИЗЕЛЬ «КУШАНДАСИ»

***Пскент тумани «Авангард» ширкат хўжалигида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган Абдуҳамид Очилов бошқарувида бўлган, ўзига тегишли «ВАЗ-2107» русумли давлат рақами 12 А 12 02 номерли автоулови тўхтатилиб, гумонланиб назоратдан ўтказилди.***

Текширув чоғида машина юкхонасида ҳеч қандай ҳужжатларсиз жами 200 литр дизель ёқилғиси сотиш мақсадида олиб кетилаётганлиги аниқланди.

Мазкур шахс қилмиши борасида жавоб бермоқда.

**Шерали АНВАРОВ, Абдулазиз ИСЛОМОВ,**
**Вилоят ички ишлар бошқармаси матбуот хизмати ходимлари.**



Эб-ҳаво

Гидрометеорология Бош бошқармасининг хабар беришича, 4 февраль куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб айрим жойларга туман тушади.

Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 0-2, кундузи 10-12 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Айрим жойларга туман тушади. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Бекобод туманида шамолнинг тезлиги кучайиб, секундига 15-20 метрга етади. Кечаси 1 даража совуқ билан 4 даража илиқ, кундузи 8-13 даража иссиқ бўлади.

Тошкент шаҳар, Чилонзор туманидаги 95-ўрта мактаб томонидан 2001 йил 25 июнда Дмитрий Валерьевич Ахметов номига берилган O'R-R 0100456 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48
Эълонлар: 133-58-85, 136-53-54.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-350. Адади 8920. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи—205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди - 1 2 3 4 5